

## БОЛАЛАР ГИЖЖАСИ ВА УНИ ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИ

Муртазаева Насиба Комилжонова, Халимова Саломат Асроровна, Мамадалиева Зарина Рахматовна  
Самарканд Давлат тиббиёт университети, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд ш.

## ДЕТСКИЙ ГЛИВНИК И СПОСОБЫ ЕГО ЛЕЧЕНИЯ

Муртазаева Насиба Комилжонова, Халимова Саломат Асроровна, Мамадалиева Зарина Рахматовна  
Самаркандский государственный медицинский университет, Республика Узбекистан, г. Самарканд

## CHILDREN'S GLIVNIK AND METHODS OF ITS TREATMENT

Murtazayeva Nasiba Komiljonovna, Khalimova Salomat Asrorovna, Mamadaliyeva Zarina Rakhmatovna  
Samarkand State Medical University, Republic of Uzbekistan, Samarkand

e-mail: [rinza0525@gmail.com](mailto:rinza0525@gmail.com)

**Резюме.** Паразит құртлар одамларға қадим замонлардан маълум бўлган. Бу ҳакда эрамиздан аввалги 16 асрдаги папирус қозголардаги ёзувларда айтиб ўтилган. Гиппократ гельминтларни бир неча касалликларнинг сабабчиси деб кўрсатган. Табобат илмининг олимлари, даҳоларидан бири бўлган Абу Али ибн Сино ҳам ўз асарларида қуртларни таърифлаб берган.

**Калим сўзлар:** Гельминтлар, аскаридалар, остициалар, халқ табобати ўгули билан даволаш.

**Abstract.** Parasitic worms have been known to people since ancient times. It is mentioned in the ezuvs on papyrus papers of the 16th century BC. Hippocrates indicated that helminths are the cause of several diseases. Abu Ali ibn Sina, one of the scholars and geniuses of medical science, also described the blind in his works.

**Keywords:** Helminths, soldiers, oysters, treatment with folk medicine.

Хозирги кунда одамлар, хайвонлар ва ўсимликларнинг ҳисобига яшовчи паразитларнинг 15 мингдан зиёд тури маълум. Уларни тиббиётнинг алоҳида соҳаси гельминтология ўрганади.

Гельминт пайдо киладиган касалликлар «Гельминтозлар» деб аталади.

Гельминтлар 4 турга бўлинади.

1. Яssi чувалчанглар- третамодалар (сүргичлар ва цестодалар ёки ленътасимон чувалчанглар).

2. Юмалоқ чувалчанглар (аскаридалар, қилбош гижжа, остица, анкилостомида, трихинелла ва бошқалар).

3. Тиканбош чувалчанглар.

4. Ҳалқали чувалчанглар ёки аннелидлар.

Гельминтлар паразитлик қилиб яшайдиган организм шу гельминтнинг хўжайини ҳисобланади.

Етилган гельминт хўжайини организмida тухум қўйиш ёки личинка тугиши орқали кўпаяди.

Гельминтлар одам организмининг нафас олиш, овқат ҳазм қилиш, мускул системасида, жигар, ўт пуфаги, талоқ, қон, мия, кўз ва бошқа органларида паразитлик қиласиди. Гижжаларнинг хили, сони ва қайси органда паразитлик қилишига қараб касаллик ҳар хил кечади. Паразитлар билан зарарланган одамнинг вазни камаяди, қоринда оғриқ, кўнгил айниши, ич кетиши ёки бош айланиши, жizzакилик пайдо бўлади. Гижжа ичакда бўлса ич қотади ёки ич кетиши, кўнгил айниши, қайт қилиш ҳолатлари кузатилади. Жигарда бўлса кўз оқи ва бадан сарғаяди, шиши

пайдо бўлади, баданга ҳар хил дөглар тушиши мумкин. Ўпкада бўлса иситма чиқиши ва йутал пайдо бўлиши мумкин.

Гельминтозда меҳнат қобилияти пасаяди, болаларда ривожланиш орқада қолади, яхши ўсмайди, хотира пасаяди, уйқуси нотинч бўлади ва ҳокоза. Одамда кўпроқ аскаридалар, остициалар, қилбош гижжалар учрайди.

Аскаридалар-узунлиги 15-40 см келадиган думалоқ чувалчанглардир. Улар ингичка ичакда яшайди, тухумлари ахлат билан ташкарига чиқади ва тупрокда ривожланади.

Бу гижжалар асосан қўлини яхши ювмайдиган болаларда кўп учрайди. Бемор иштахаси пасайиб, кўнгли айниб туради, уйқуси бузилади, тажанглашади, коринда оғриклар кузатилади ва айрим холларда ичак тутилиб қолиши мумкин.

Остициалар- узунлиги 3-12 мм бўлган куртлардир. Одам организмida асосан ингичка ва йугон ичакда яшайди. Одамга оғиз ва бурунга тушадиган чанг орқали юқади. Остициалар орқа чиқарув тешигига урмалаб чикиб тухум қуяди ва унинг қичишишига сабаб бўлади. Остициалар одамга ифлос қуллар ва озиқ овқат махсулотлари орқали ҳам юкиши мумкин. Ҳар бир инсон, гижжа юқтирмаслиги учун ҳожатга бориб келгач ва ҳамда уйку олдидан ва уйкудан кейин орқа чиқарув тешиги атрофини совунлаб ювиши керак. Агар остициалар бўлса, албатта ич кийими кийиб ётиши ва ювингандан кейин орқа чиқарув тешик атрофига вазелин суртиб қўйиш керак.

Қилбош гижжа ва тринихеллалар-қилбош гижжа узунлиги 30-35мм бўлган ингичка чувалчанг. У куричак ва йугон ичакда яшайди. Аскаридалардан юқади.

Тринихеллалар- узунлиги 4мм бўлади, одамга чўчка гўшти ва ёввойи ҳайвонлар гўштини ейганда юқади. Касаллик юққанда беморнинг кўз ва қовоклари шишиб, иситмаси чиқади, мушаклари оғрийди, баъзан оёқ ва қўл панжалари шишади. Кейинчалик гавда мушакларида ҳам оғрик пайдо бўлади, тирсак ва тизза бўғимларида ҳаракат бузилади. Терига тошма тошиши, ошқозон ва ичакларда бузилиш кузатилади, бош оғрийди , уйку бузилади.

Гижжаларни халқ табобати йули билан даволаш. 1. З та саримсокпиели 1 пиела қайнатилган илиқ сув наҳорга ичилади З кун. 2. Дастарбош гиёхи, буйимодарон, эрман, қалампирмунчок аралашмасидан 1 ош қошиқ олиб, 1 литр қайноқ сувда дамлаймиз. Ҳар куни овқатдан олдин З маҳал 1 пиёладан ичилади З кун. 3.Ошковоқ уругини майдалаб 1 ош қошиқдан кунига З маҳал истеъмол қилинади З кун. 4.Ярим литр сутни 2-3 булак саримсоқ билан қайнатиб, 10 дакика турсин кейин совутиб илик ҳолатда кечқурун хукна (клизма) килинг. Даволаш муддати 1 ҳафта.

Халқ табобати усталари паразитларни ҳайдашда bemorрга муолажа ўтказишдан олдин 24 соат овқат еймасликни тавсия этишади.

Дорилар билан даволаш. Ҳозирги кунда паразитларни даволаш учун ҳар хил дори воситалари мавжуд. Дорилар билан даволаш албаттa шифокор билан маслаҳатлашган ҳолда олиб борилади.

Дори препаратлардан: Гельминтокс-250, Маритон(Хиндистон), Зентел, Кюраворм (Хиндистон) ва шунингдек гижжа хайдовчи Пижма ва Кассия уруғи.

Дори қабул қилгандан кейин гижжалар ҳалок булаётуб ўзидан заҳар чиқаради, шу сабабли организм заҳарланмаслиги учун

дезинтоксикион препаратлар қабул қилиш керак: Смекта ва бошкалар.

#### **Адабиётлар:**

1. Plyusnin A., Morzunov S.P. Virus evolution and genetic diversity of hantaviruses and their rodent hosts. Curr. Top Microbiol. Immunol. 2001; 256: 47 – 75.
2. Yashina L., Abramov S., Gutorov V. et al. Seewis virus: phylogeography of a shrew-borne hantavirus in Siberia, Russia. Vector Borne Zoonotic Dis. 2010; 10(6):585 – 591.
3. Z.R. Mamadaliyeva “Virtual laboratory Information In Education A Specific Factor Of The Communication System In Form”. Eurasian Scientific Herald 2022. ISSN:2795-7365 Page: 92-95.
4. Murtazayeva Nasiba Komiljonovna, Halimova Salomat Asrorovna Studies of reparative regeneration of chitosan derivatives in experimental thermal burns. Volume 3, Issue 4 April., 2022. ISSN: 2776-0960 Page:260-265.
5. Enria D., Padula P., Segura E.L., Pini N., Edelstein A., Riva Posse C. Hantavirus pulmonary syndrome in Argentina. Possibility of person to person transmission. Medicina (B Aires). 1996; 56 (6): 709 – 711.

#### **ДЕТСКИЙ ГЛИВНИК И СПОСОБЫ ЕГО ЛЕЧЕНИЯ**

Муртазаева Н.К., Халимова С.А., Мамадалиева З.Р.

**Резюме.** Паразитические черви известны людям с древних времен, об этом упоминается в папирусных свитках 16 века до н.э. Гиппократ указывал, что гельминты являются причиной ряда заболеваний. Абу Али ибн Сина, один из ученых и гениев медицинской науки, также описывал червей в своих трудах. Гижжалар - одам, ҳайвон ва ўсимликларда касаллик кузгатувчи паразит чувалчанглардир.

**Ключевые слова:** Гельминты, солдаты, остицы, лечение народной медициной.